

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Special Issue | pp. 191-196 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

АУДИТОРИК ТАШКИЛОТЛАРИНИ РЕЕСТРГА КИРИТИШНИНГ КОМПОЗИТ УСУЛИ



Баракаев Отабек Отакулович,
PhD, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт
университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш учун аризаларни Давлат хизматлари марказлари ҳамда ЯИДХП орқали қабул қилиниши, тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказишида ариза берувчиларнинг хоҳишига кўра аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш учун композит усулдан фойдаланиш, аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: аудиторлик ташкилоти, аудитор, Реестр, композит, давлат хизматлари

Abstract: In this article, recommendations for the acceptance of applications for the inclusion of the audit organization in the register of audit organizations through the State Service Centers and the Unified portal of interactive government services, the use of a composite method for the inclusion of the audit organization in the register of audit organizations at the request of the applicants for the re-registration of the business entity, and the development of the audit services market have been developed.

Key words: audit organization, auditor, Register, composite, state service


Кириш. Сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари қўрсатиш тизими ислоҳ қилиниб бу борада изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аудиторлик хизматлари бозорини янада ривожлантириш мақсадида аудиторлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик тизими такомиллаштирилиб, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 аперадаги 171-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ва 2022 йил 28 сентябрдаги 538-сон “Аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш тартиби


тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ҳамда 2023 йил 15 августдаги 387-сон “Аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш бўйича давлат хизматларини қўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” қарорлар шулар жумласидандир.

Бироқ, аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиши янада соддалаштириш ҳамда эскирган тартибларнинг ўрнига фаолиятни рақамлаштириш, шунингдек бу жараёнларда ортиқча талабларнинг мавжуд бўлганда ушбу давлат хизматларини соддалаштириш давр талаби.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ-244-сон Фармони билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига қўшимча қулийлик яратиш ҳамда соҳадаги бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар режасининг 9-банди ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” қонунида назарда тутилган аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиши бўйича қўрсатилаётган давлат хизматини “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқлаштириш лозим.

Таҳлилий қисм ва шарҳ. Аудиторлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик хужжатларини такомиллаштирилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг **аудиторлик хизматлари бозорида** ҳам аудиторлик фаолиятининг субъектлари аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони ўсишида **ижобий ўзгаришлар** рўй бермоқда. Республикаизда аудиторлик хизматлари бозорида ўсиш кузатилмоқда. Жумладан, 2024 йилнинг 1-чорагида **аудиторлик ташкилотлари** сони **142** та, аудитор малака сертификатига эга **аудиторлар сони 1048** нафарни ташкил этиб, 2023 йилнинг 1-чораги билан таққослаганда мос равища 9 ва 13 фоиз ўсиш кузатилган (1-расм).





1-расм. Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга асосан аудиторлик ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотлар Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилган санадан эътиборан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Мазкур талабга асосан, 2021 йилдан бошлаб аудиторлик ташкилотлари Аудиторлик ташкилотларининг реестрига кириш орқали фаолият юритишни бошлади. Мазкур талабга мувофиқ 2021 йилнинг охирида 96 та аудиторлик ташкилотлари Реестрига кирган бўлса, 2024 йилнинг 1-чорагида улар сони 46 тага ошиб, 142 тага етди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 августда 387-сонли қарори билан аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди. Ушбу маъмурий регламент асосида аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи янги тартиб белгиланди:

аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш учун аризаларни Давлат хизматлари марказлари ҳамда ЯИДХП орқали қабул қилиниши;

тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказишида ариза берувчиларнинг хоҳишига қўра аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш учун аризаларни композит тарзда ваколатли органга юбориши.

Композит усул бу давлат хизматидан фойдаланувчилар битта ариза орқали бир вақтда бир нечта давлат хизмати кўрсатилиши бўйича сўров юбориши ва хизматлар кўрсатилиши тушунилади.

аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш бўйича давлат хизматининг бепул (амалда – бепул) кўрсатилиши;

аудиторлик ташкилоти тутатилганда ёки унинг фаолият тури ўзгарганда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва хисобга қўйишининг автоматлаштирилган тизими орқали ваколатли органга аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилиши бўйича автоматик тарзда хабарнома юборилиши.

Бугунги кунга келиб аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш учун аризалари тўлиқ Давлат хизматлари марказлари ҳамда ЯИДХП орқали қабул қилиниб келинмоқда.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг халқаро тармоқлар ва ташкилотларга аъзо бўлиши ортиб бормоқда. Бунда жами 142 та аудиторлик ташкилотидан 27 та, 1048 нафар аудитордан 288 нафар аудитор халқаро тармоқларга кириб фаолият юритмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Аудиторлик ташкилотларининг халқаро тармоқларда қатнашиши

Халқаро тармоқдаги аудиторлик ташкилотлари				
	йиллар	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Халқаро тармоққа кирган аудиторлик ташкилотларининг умумий аудиторлик ташкилотлари сонидаги улуши, фоизда	27	19	20	
Халқаро тармоққа кирган аудиторлик ташкилотларида ишлаётган аудиторларнинг жами умумий аудиторлар сонидаги улуши, фоизда	20	26	28	

Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибалари асосида аудиторлар учун замонавий сертификатлаш тизимини жорий этиш, аудитор малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларининг шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ташкилотлар билан яқин шериклик ва ўзаро алоқаларни ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда аудиторларни сертификатлаштириш Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиб келинмоқда ва бугунги кунга қадар жами **622** нафардан ортиқ талабгорларга аудитор малака сертификати берилган.

Шунингдек, 1003 нафар аудиторлар ўртасида 121 нафарида бухгалтерларнинг халқаро сертификатига (CIPA, ACCA, DipIFR, CPA) эга бўлганлар мавжуд (2-жадвал).

2-жадвал

Аудиторлар тўғрисида маълумот

Даврлар	Аудиторлар, жами	бухгалтерларнинг халқаро сертификатига (CIPA, ACCA, DipIFR, CPA) эга бўлганлар
2021 йил	651	68
2022 йил	881	108
2023 йил	1003	121

Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши йиллар кесимида асосан ишлаб чиқарадиган саноат ва улгуржи, чакана савдо ҳамда бошқа фаолият тури билан шуғулланадиган ташкилотларда ўтказилган (3-жадвал).

3-жадвал

**Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи
субъектларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

	Хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сонидаги улуши, фоизда		
	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар - жами	100	100	100
шу жумладан:			
тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	1,5	1,0	0,6
ишлаб чиқарадиган саноат	15,4	15,3	13,0
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш	1,9	2,1	1,4
қурилиш	8,4	8,2	6,5
ташиш ва сақлаш	2,2	1,6	2,1
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4,0	2,9	3,0
улгуржи ва чакана савдо;	11,2	11,6	11,0
молиявий ва сұғурта фаолияти	4,4	6,1	4,3
бошқалар	51,1	51,3	58,1

Холоса ва таклифлар. Юқоридаги таҳлил натижаларига кўра, сўнгги олти йилда аудиторлик фаолиятининг қонунчилик соҳаси тизимлаштирилиши, шунингдек аудиторлик ташкилотларини реестрга киритишнинг **композит усулини** қўлланиши натижада аудиторлик хизматлар бозорида ижобий ўзгаришларни кўриш мумкин.

Аудиторлик хизматлар бозорини янада сифатли ривожлантириш учун қўйидаги **таклифларни келтириб ўтамиз**:

Аудитнинг халқаро стандартларини давлат тилига таржима қилиш ишларини якунлаш, АҲС мазмун моҳияти ва **жорий этиш бўйича** аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар, билан учрашувлар, вебинарлар ташкил этиш;

аудиторлик фаолиятини **хабардор қилиш тартибида** амалга ошириладиган фаолият турлари таркибига қўшиш;

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан соҳани ривожлантириш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилиш, уларнинг вазифа ва функцияларини бажаришда маъсулият ва жавобгарлигини ошириш;

соҳага оид халқаро профессионал ташкилот ва идораларда тажриба ўташ, ўрганиш натижаларига асосан **аудиторлик ташкилотларининг иши сифатини назорат қилиши тизимини** такомиллаштириш;

аудитор малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонининг **мустакил ва холис, шаффоғ ўтказилиш** тартибини қайта кўриб чиқиши

аудиторлик текширувларини тўлиқ автоматлаштиришга ихтисослашган махсус дастурий комплексларни таҳдил қилиш ва энг мақбул дастурий тизимни жорий қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сонли “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 аперлдаги 171-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 538-сон “Аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 августдаги 387-сон “Аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” қарори;
7. Arens A., Elder R. & Beasley M. (2012). Auditing and Assurance Services, 14th ed., Prentice-Hall, Englewood Cliffs, NJ.
8. Cohen J.R., Krishnamoorthy G. & Wright A.M. (2008). Form versus substance: The implications for auditing practice and research of alternative perspectives on corporate governance. *Auditing: A Journal of Practice & Theory*, 27(2), 181-198. <https://doi.org/10.2308/aud.2008.27.2.181>.
9. Handbook of International Quality Control, Auditing, Review, Other Assurance, And Related Services Pronouncements, Volume I-III includes the IAASB's, The International Federation of Accountants (IFAC), 2022.
10. Баракаев О.О. Замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудит: назария, методология ва амалиёт: илмий монография. – Т.: 2021, – 288 б.
11. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик.-Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003.-612 б.
12. <http://audit.mf.uz>, <http://audit.imv.uz>.
13. <https://lex.uz>
14. www.imv.uz

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

